

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ  
АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
ББК 67.401.

ЖУМАЕВ ЙЎЛДОШ БАФУРОВИЧ

# ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР ҲОКИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ихтисослик: 12.00.02 – Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви;  
маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи

Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун  
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2004

3-20(252) 0017/17  
AC27

**Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ кафедраси»да бажарилган**

Илмий раҳбар: **Юридик фанлар доктори,  
Муҳаммадшоҳ Бойдаласв**

Расмий оппонентлар: **Юридик фанлар доктори, профессор  
Хусанов Озод Тиллабосвич**  
**Юридик фанлар номзоди  
Исмоилов Баҳодир Исмолович**

Ётақчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги Тошкент  
давлат юридик институти**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 005 10.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган Кенгашнинг мажлисида 2004 йил 10 сентабрда соат 14 00 даги мажлисида бўлиб ўтди.

(Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кучаси, 45-уй)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Диссертация авторферати 2004 йил 3 август та тарқатилди.

Бирланган ихтисослашган  
Кенгаш илмий котиби, соф.ф.д. **А.Ж.Холбеков**

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Кириш.** Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-умидлари ушалди. Халқимизнинг улкан маданий тажрибаси миллий давлатчилигимизни шакллантириш учун қудратли манба бўлмоқда. Зеро, мустақилликнинг илк кунларидан миллий анъаналаримизга мувофиқ миллий давлатчилик бошқарувида ҳоким институти жорий этилди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибалари ва бир неча асрлар давомида бунёд бўлган бой анъаналаримиз ва қадриятларимизни уйғунлаштириш соҳасида кенг қамровли илмий-назарий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 4 февралда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳоким институтининг асосий вазифаларини белгилаб берган бўлса, «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 1993 йил 2 сентябр Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳоким институти фаолиятини ташкил этилишини қонунийлаштирди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойиллари давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши, қонун устуворлиги миллий давлатчилигимизнинг асоси деб мустақамланди. **Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари маҳаллий давлат ҳокимияти институти сифатида**, яъни мустақил Ўзбекистон олдида турган вазифаларини бажара оладиган ижроия ҳокимияти органларининг тизими шаклланди.

Ўзбекистонда демократик қадриятларга асосланган маҳаллий ҳокимият органларини шакллантиришга доир ислохотларнинг асосий мазмуни жамият сиёсий тизимини эркинлаштириш ва давлат бошқарувини номарказлашти-

ришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «...давлат бошқарув тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш»<sup>1</sup>** вазифасини қўйди. Шу боис, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолиятини ислоҳ этиш ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадларидан келиб чиқади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб шаклланаётган давлат ҳокимияти тизимини демократлаштириб бориш, уни халқ иродаси ифодачисига айлантириш — бу соҳадаги ислоҳотларнинг марказида турди. Давлат бошқарувининг барча соҳаларини демократлаштириш, яъни бизга яқин ўтмишдан мерос бўлиб қолган сансоларлик, маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик ва мансабпарастлик асоратларидан воз кечиш ҳоким институтини илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, уни такомиллаштириш юзасидан ҳулосалар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

**Диссертациянинг мақсади** вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ваколатларини амалга ошириш шакл ва услубларини Ўзбекистонда давлат бошқарувини эркинлаштириш ғояларига монанд ҳамда бугунги кунда бошқарув соҳасида вужудга келаётган долзарб масалаларни жадал суръатда ҳал қила олиши учун уларнинг фаолияти ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қадриятлар ва демократик принциплар асосида такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар, таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертациянинг мақсади ва мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, қуйидаги **вазифаларни** бажариш белгилаб олинди:

- Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида вилоят, туман ва шаҳар **ҳокимларининг ҳуқуқий ҳолатини**, давлат бошқарувини **ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда** ўрганиш;

- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ваколатларини амалга ошириш механизмларини **илғор мамлакатлар тажрибасига қиёслаш** асосида тадқиқ этиш;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 25-б.

- ҳоким ижроия маҳкамаси фаолиятини амалга ошириш механизмини тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқиш;

- ҳокимни ижроия ва вакиллик органларига раҳбарлигининг шакл ва усулларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқиш;

- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ваколатларини амалга оширишда жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва улар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ва бошқарув муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

- шаҳар ва туманлар ҳокимлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболларини таҳлил қилиш.

**Мавзунинг ишланганлик даражаси.** Давлат ҳокимияти тузилмасининг ажралмас қисми ҳисобланган маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари доимо тадқиқотчиларнинг диққат-марказида бўлган. Шу боис, жаҳон фанида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан боғлиқ масалаларга доир нуфузли илмий салоҳиятга эга бўлган тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Р.Драго<sup>1</sup>, В.Штейн<sup>2</sup>, Ч.Вильсон<sup>3</sup>, С.Блер<sup>4</sup>, А.Токвиль<sup>5</sup> ва бошқаларнинг изланишларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг **назарий қондалари** яратилган. Бугунги кунда деярли барча Фарб давлатларида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари уларнинг ишларига асосланган ҳолда тадқиқ этилган. Шулар қаторида Битиль Д.Э.<sup>6</sup>, Игнатов В.Г., Бугов В.И.<sup>7</sup>, Чиркин В.Е.<sup>8</sup> ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўрга-

<sup>1</sup> Драго Р. Административная наука. 1980, перевод на русский язык с сокращениями. – М.: издательство “Прогресс”, 1982. 448-6.

<sup>2</sup> V. Stein. L. Die Verwaltungslehr, Teil I: Die vollziehende Gewalt, 2. Bd.: Die Selbstverwaltung und ihr Rechtssystem, 1869.

<sup>3</sup> Charles H. Wilson. Essays on Local Government. - Basil Blackwell, 1948

<sup>4</sup> George S. Blair. American Local Government. - NY, London, 1964.

<sup>5</sup> Alexis de Tocqueville. Democracy in America. Vol.1, Vintage Books, 1954

<sup>6</sup> Дюрин Э.Б. Местные органы власти во Франции – М.: «Интрагэж - Р», 1996. 151-6.

<sup>7</sup> Игнатов В.Г., Бугов В.И. Зарубежный опыт местного самоуправления российская практика: Учебное пособие – Москва – Ростов: «Март», 1999. 224-6

<sup>8</sup> Чиркин В. Е. Государственное и муниципальное управление: Учебник – М.: Юрист, 2003. 320-6.

нишда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари қимматли манба вазифасини ўтайди.** Бугунги кунда давлат қурилишини эркинлаштириш жараёни давом этаётган бир вақтда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини илмий ўрганишга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. **Мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришдек улуг мақсадлар сари одимлаётган республикамизда ижтимоий фанлар доирасидаги илмий изланишларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас.**

Ўзбекистон Республикаси олимлари А.А.Азизхўжаев<sup>1</sup>, А.А.Агзамходжаев<sup>2</sup>, С.А.Султонов<sup>3</sup>, М.Бойдадаев<sup>4</sup>, О.Т.-Ҳусанов<sup>5</sup>, А.Т.Тўлаганов<sup>6</sup>, У.Чориёров<sup>7</sup>, Р.Сиддиқов<sup>8</sup>, Ш.Жалилов<sup>9</sup>, Е.Қутибаева<sup>10</sup>, М.Мирҳамидов<sup>11</sup>, Х.Рузметов<sup>12</sup>, Б.Жўраев<sup>14</sup> ва бошқалар илмий изланишларида ма-

<sup>1</sup> **Азизхўжаев А.А.** Проблемы правоохранительной деятельности местных Советов. — Т.: «Ўзбекистон», 1990, - 139 б.

<sup>2</sup> **Агзамходжаев А.А.** Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан. Т.: «Ўзбекистан», 1993 - 96 б.

<sup>3</sup> **Султонов С.** Ҳақиқий халқ ҳокимияти. - Т.: «Фан», 1969. — 67-б.

<sup>4</sup> **Бойдадаев М.** Давлат бошқаруви ташкилий тузилмаларидаги ислохотлар ва уларнинг ривожланиш истикболлари «Ҳаёт ва қону» - журнали 1999.№6 48 — 51-б., Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари вазифаларининг ривожланиш шакли ва услублари — Т.: ТДЮИ, 2003, 64-б. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. — Т.: ТДЮИ, 2003. 52-б. Ўзбекистонда давлат бошқарув аппаратынинг шаклланиш ва тараққиёт йўналишлари. — Т.: ТДЮИ, 2003. 60-б;

<sup>5</sup> **Хусанов О.Т.** Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. - Т.: «Шарқ», 1996. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари: Уқув қўлланма. — Т.: «Шарқ», 1996. — 80-б.

<sup>6</sup> **Тўлаганов А.Т.** Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. - Т.: «Университет», 1996., Уша муаллиф. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш: Дарслик. — Т.: ТДЮИ, 2002. — 196-б

<sup>7</sup> **Чориёров У.** Бошқарув органлари ташкил этилиши ва фаолиятининг демократик қондалари.-Демократик давлат сари (илмий тўплам). 1993.

<sup>8</sup> **Сиддиқов Р.Р.** Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления.-Т.: «Университет», 1993.

<sup>9</sup> **Жалилов Ш.** Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохоти: тажриба ва муаммолар. — Т.: «Ўзбекистон» 1994;

<sup>10</sup> **Қутибаева Е.** Ижро ҳокимиятининг ривожланиш муаммолари, «Ҳаёт ва қону» - 1998. - №1--Б.88, 91-б.

<sup>11</sup> **Мирҳамидов М.** Демократизация органов государственного управления Республики Узбекистан: проблемы, перспективы. - Т.: «Университет», 1992. — 168-б.

<sup>12</sup> **Рузметов Х.** Организация деятельности аппарата хокимиятов. Диссертация .. кандидата юридических наук. — Т.: 2000. — 140-б.

<sup>14</sup> **Жўраев Б.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартиб ва фуқароларнинг ҳақфидлигини таъминлаш фаолияти: ҳуқуқий, ташкилий масалалар. Юридик фанлар номзоди.. диссертацияси. — Т., 1999. — 129-б.

ҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳокимнинг ҳуқуқий ҳолати муаммолари қисман ёригилгандир. Бироқ ҳозирги даврда жамият ва давлат қурилиши муаммоларидан келиб чиққан ҳолда, **ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият органлари тизимида тутган ўрни**, унинг фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан алоҳида тадқиқот олиб борилмаган. Мазкур тадқиқотда **ҳокимнинг ҳуқуқий мақоми**, унинг фаолиятини **ҳуқуқий асослари**, ижро ҳокимияти тизимида тутган ўрни, функциялари, ваколатлари, қўйи органлар ва фуқаролар билан муносабатларини ташкил этиш давлат қурилишини эркинлаштириш масалаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган. Айниқса, маҳаллий ҳокимият органларини жамоатчилик билан алоқаларини таъминлаш, маҳаллий ҳокимият органлари тизимида тармоқ бошқарувидан функционал бошқарувига ўтиш, ҳоким ижроия маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, **ҳокимнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаш** масалалари давлат бошқарувининг амалиётдаги ютуқлари ва муаммолари асосида тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятининг **ҳуқуқий асослари** давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш шароитида такомиллаштириш масалалари ҳуқуқий томондан ўрганилганлиги билан белгиланади. Илмий иш натижалари **ҳоким ҳуқуқий мақомининг таркибий элементи** бўлган унинг ваколатлари доирасидаги вазифаларини амалга ошириш механизминини тизимли ва комплекс ўрганиш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш имкониятини беради.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари ҳимояга қўйилаётган қўйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади:**

- маҳаллий ҳокимият органларида **ҳоким мақомининг ҳуқуқий асослари** ривожланган давлатларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги тажрибасини инobatга олган ҳолда **илмий таҳлил** қилинди;

- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг вазифаларини давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга монанд равишда белгилашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди;

- давлат қурилишини эркинлаштириш жараёнида маҳаллий ҳокимият **вакиллик ва ижро органларининг мустақиллигини таъминлашга доир таклифлар берилди;**

- ҳоқимликлар ижроия маҳкамаси фаолиятини **такомиллаштириш масалалари ёритилди;**

- маҳаллий ҳокимият органларини **жамоатчилик билан алоқаларини ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилди.**

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг бошқарув ишидаги муаммоларни бартараф этишда амалий қўлланма ва назарий-ҳуқуқий асос сифатида ҳамда ўқитувчи, аспирант, талаба ва магистрлар ўқув жараёнида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги ислохотлар ва уларнинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш жараёнлари билан чуқурроқ танишиш имкониятини яратиб, бу борада кенг маълумотлар беради.

Диссертация вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларини, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, шунингдек, фуқаролар билан муносабатларини такомиллаштириш жараёнларида назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ишдаги материаллар, таҳлиллар, фикр-мулоҳазалар ва хулосалар ҳуқуқшунос олимлар, аспирантлар ва давлат бошқаруви соҳасида таълим олаётган тингловчилар учун ҳокимларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги мақомлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари, ваколатлари тўғрисида назарий жиҳатдан қўшимча билимлар бериш имкониятини яратади.

Диссертацияда келтирилган хулоса, тақлиф ва мулоҳазалар маҳаллий ҳокимият органларининг вазифаларига доир ҳуқуқий метёрларнинг амалга оширилишини такомиллаштириш мақсадида ҳокимликлар бошқаруви фаолиятида жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

**Тадқиқот натижаларининг татбиқ этилиши.** Тадқиқотда эришилган баъзи натижалар муаллиф Бухоро вилоятида ҳамда қатор йиллар Ромитан туман ҳокими ўринбосари лавозимида, шунингдек, маҳаллий кенгашнинг депутати сифатида олиб борган фаолияти давомида юзага келган муаммоларни амалий ҳал қилишда асос бўлган. Мисол учун, Бухоро вилояти ҳокимлиги «мактаблар куни»ни ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳаётидаги долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича маслаҳат Кенгашлари тўғрисидаги низомларни инлаб чиқишда намоён бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жами-



ят қурилиши Академиясида ўтказилган қишлоқ туманлари ҳокимларининг 10 кунлик ўқув-семинари (2004 йил, январ), Бухоро Давлат университетида (2003 йил, сентябр), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедрасининг илмий-назарий семинарида (2003 йил 19 декабр), Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий-маслаҳат Кенгашининг илмий семинари (2004 йил 12 март) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий-назарий семинарларида (2004 йил 22 март) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** қиёсий, тарихий, мантиқий методлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов маърузалари, нутқлари ва асарларида баён қилинган **давлатчиликка доир ҳуқуқий-сиёсий фикрлар** ташкил қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, маҳаллий ҳокимият органлари, хусусан, ҳоким ваколатларини тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари диссертациянинг ҳуқуқий базаси бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифаларига уйғунлашган ҳолда кириш, етти-та параграфни мужассамлаштирган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 140 бет.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, илмий ва услубий асослари ҳамда синовдан ўтганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари»** деб номланган. Ушбу бобнинг Ўзбекистонда «**Мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва ҳоким институтининг жорий этилиши**» деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистонда ҳоким институтининг жорий этилиши атрофлича таҳлил этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли миллий анъаналар ва демократик кадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имконияти туғилди. Миллий давлатчиликни шакллантиришдаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва жамият барпо этишнинг муҳим тамойиллари ва йўналишлари асосида амалга оширилмоқда<sup>1</sup>. Давлат қурилиши ривожланган давлатлар тажрибаси, умумэътироф этилган меъёрлар, миллий анъаналаримиз ва кадриятларимизга мос ҳолда жорий қилинмоқда.

Мустақилликнинг илк давридаёқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»<sup>2</sup>ги қонунини қабул қилди. Биринчи марта маҳаллий давлат ва ижроня ҳокимияти органи бошлиғи сифатида ҳоким лавозими мамлакат миқёсида жорий этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги ижро

---

<sup>1</sup> **Каримов И.** Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакirik. Олий Мажлиснинг туққизинчи сессиясида сузланган нутқ. Халқ сузи. 2002 йил 30 август.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992, 3 - сон, 146-модда.

органи фаолиятида яккабошчилик асосидаги раҳбарликнинг тузилишига асосий сабаб шунда эдики, янги даврдаги чуқур ислохотларни масъулиятли ижро ҳокимиятисиз амалга ошириб бўлмас эди. Давлатнинг бош ислохотчилик роли табиий зарурат бўлиб, эски тоталитар тузумдан янги жамиятга ўтиш учун фақат кучли ижро ҳокимияти керак эди.

Шундай қилиб, бу қонун асосида ҳоким лавозимининг ҳуқуқий ҳолати белгилаб берилди. Шу билан бирга ҳокимлар фақат ижро ҳокимияти органлари сифатидагина эмас, маҳаллий вакиллик органларига ҳам раҳбарлик қилиш ваколатлари ҳам қонунда аниқ белгилаб қўйилган эди. Ҳокимлар вилоятларда, туман ва шаҳарларда таъсис этиладиган бўлди. Ҳокимнинг минтақавий ривожланишни ҳал қилувчи раҳбар сифатидаги ваколатларининг қонуничиликда мустақамланиши Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг бутунлай янги ва замонавий тизими яратилишига асос бўлди.

• Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «**Ҳоким фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари**» деб номланиб, ушбу параграфда ҳоким ваколатларини амалга ошириш тартибини метёрий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тадқиқ этилган. Зеро, «Мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдор, ҳатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив ҳоҳиш-истагига қарам бўлмасдан, иини барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра, жамиятимизнинг олга силжишига халақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш» зарурати Президент Ислоҳ Каримов томонидан алоҳида таъкидланди.

Бу сўзлар тўғридан-тўғри маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларига ҳам тааллуқдир. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонун ҳужжатларини унинг юридик табиатига қараб бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Булар:

## 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

---

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировара мақсадимиз. 2-чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-сессиясидан маъруза. 2000 йил 22 январь. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировара мақсадимиз.8-жилд. Т., «Ўзбекистон» 2000. 336-6.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
6. Маҳаллий ҳокимият органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Конституциявий ҳуқуқий меъёрлар маҳаллий ҳокимиятнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилиши билан бирга, маҳаллий давлат органларининг фаолиятини, тизимини, ваколатини, иш юритиш шакллариини белгиловчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, фармон қабила) нинг объектини мақсадига кўра, икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, маҳаллий давлат ҳокимиятининг бевосита ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳуқуқий ҳужжатлар. Буларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябр қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 ноябрдаги 461-сонли «Вилоятлар ҳокимликлари аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 5 январдаги 1 ва 2 сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ҳолимлар сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» ҳамда «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларини кўрсатиш мумкин. Бу ҳужжатлар тўлалигича маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига тааллуқли ва фақат улар фаолиятининггина ҳуқуқий асоси бўлади ҳамда махсус ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Иккинчи, гуруҳдаги ҳужжатларга муносабатларни тартибга солиш учун чиқарилган маҳаллий давлат ҳокимияти фаолияти, тизими, ваколатига тааллуқли меъёрлар мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Буларга «**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги қонунни, «**Ер ко-**

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқ фанига схемали укун-методик қўлланма. Азизхўжаев А., Хусанов О., Азизов Х. ва бошқ. — Т.: «Шарқ», 2001. 5-6.

декси»ни, «**Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида**»ги фармонларни кўрсатиш мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини белгилловчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг бундай бўлиши, уларни қўллаш даражасига таъсир қилмайди. Ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат меъёри ўз ўрнида асосий қоида деб белгиланади ва аҳамият даражаси бир хил. Фақат қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Конституцияга зид бўлмаслиги керак.

Қонунларда маҳаллий ҳокимиятга доир ижтимоий муносабатлар тўғри тартибга солинган ва аксарият меъёрларнинг амал қилинишига реал имкониятлар бор. Тажриба билан қонун меъёрлари ўртасида номуносивлик йўқ. Лекин қонунларни ўрганиш, уларни амалда қўлланилишининг таҳлили баъзи қоидаларни ўзгартириш заруратини кўрсатмоқда. Масалан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси иккинчи қисмида «Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлар Кенгашининг депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади» - деб белгиланган. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда ҳоким лавозимга тайинланиш вақтида депутат бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам депутатлар орасида ҳоким лавозимига муносиб шахс ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Бу қонун ҳолатидан четга чиқилдир. Ҳоким вакиллик органининг ишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш учун, албатта, депутат бўлиши керак деган қоида ни ўзгартириш лозим. Ҳокимнинг лавозимга тайинланиб тегишли халқ депутатлари томонидан тасдиқланиши унга маълум ҳудудий бирликда олий мансабдор шахс сифатида, қонунларда белгиланган ваколатларини амалга оширишда вакиллик органларига раҳбарлик қилиш орқали, ижронини ташкил этиш ҳуқуқини беради. Ушбу қоида ни «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаш лозим.

**Иккинчи боб «Ҳоким институтининг функциялари ва уни такомиллаштириш масалалари»** деб номланган. Мазкур бобнинг «Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг вазифалари ва ваколатлари» деб номланган биринчи параграфида ҳокимлар функцияларини амалга оширишдаги муаммолар, уларни ечиш йўллари ўрганилди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасининг биринчи қисмида «**ҳокимлар амалдаги**

қонулар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади» дейилган. Ҳокимга берилган ваколатларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, улар мақсади, вазифаси, мазмунига кўра, турли гуруҳларга бўлиниши мумкин. Профессор О.Хусановнинг фикрича, **ҳокимларнинг ваколатлари ўзининг мустақил ва сессия тасдиғидан ўтказиладиги ваколатларга, шунингдек ваколатлар мақсадига кўра, гуруҳларга бўлинади**<sup>1</sup>. Ушбу тасниф ҳоким ваколатларини объектив ўрганиш учун асос бўла олишига қарамай мавжуд муаммоларни бартараф этишни тўлиқ ақс эттира олмайди. Чунки бугунги кунга қадар вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш масаласи аниқланмаган. Бу ўз навбатида туман ва шаҳар ҳокимларининг ташаббускорлиги ва ўз ишига бўлган масъулиятини чеклаш билан фаолият самарадорлигини сусайтирмакда. Мавжуд муаммолар ҳар бир бўғин ҳокимларининг ваколатларини аниқ белгилаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш лозимлигини тасдиқламакда.

Ҳоким ваколатларининг самарали амалга оширилиши улар фаолиятининг устидан депутатлар ва жамоат назоратини қай даражада олиб борилаётганлигига ҳам боғлиқ. Президент Ислом Каримов таъбирида, депутатларнинг назорати мавжуд камчиликларни бартараф қилишнинг муҳим омилidir<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳокимнинг ваколатларини мустақил ва сессия тасдиғига киритилиши лозим бўлган ваколатлар гуруҳларига ажратилишига қарамай, депутатлар назоратининг шакл ва услубларини янада кучайтириш муҳим вазифалардан бирига айланмакда.

**Ҳоким ваколатлари** мақсадига кўра, амалга оширилиши жараёнида **депутатлар назоратини йўлга қўйиш** кутилган натижани бериши мумкин. Масалан, ҳокимнинг қонунчилик, ҳуқуқий-тартибот, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишида халқ депутатлари Кен-

<sup>1</sup> **Қараг:** О.Т. Хусанов. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: (Ўқув қўлланма) – Т.: Шарқ, 1996. 63-б.

<sup>2</sup> Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси материаллари. Халқ сўзи. 2004 й. 10 июл. 145-сон.

гашларининг тегишли доимий комиссияси ва оммавий ахборот воситалари олдида ҳисобот бериши ва уларнинг тавсияларини бажариши бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу иш услуби бюджет, унинг ижроси ҳақидаги ҳисобот, молия, ҳисоб-китоб, мулкчилик муносабатлари, ердан фойдаланиш муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш, савдо, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, транспорт, алоқа соҳасидаги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятида ҳам салмоқли ютуқларга эришиш учун асос бўла олади.

Шунингдек, турли соҳаларни тартибга солувчи **қонуларда ҳоким ва халқ депутатларига тегишли ваколатлар ажратилмасдан**, умумий тарзда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари деб белгиланган. Ушбу ваколатларни амалга ошириш тартибини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш лозим. Чунки мамлакатимизнинг ривожланиши жараёнида вужудга келаётган муаммоларни оператив ҳал қилиш, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қонуларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **«Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ижроия маҳкамаси бошқарув фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари»** деб номланиб, унда ҳоким ваколатларини амалга оширишнинг ташкилий-техник масалалари илк бор апрофлича тадқиқ этилган.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятини ташкил этишда ҳоким ижроия маҳкамаси ишини ташкил этиш, унинг самарадорлигини янада ошириш катта аҳамиятга эгадир. Чунки **ҳоким ўз ваколатларини унинг ижро маҳкамаси орқали амалга оширади**. Бу институтнинг ҳоким фаолиятини ташкил этишдаги аҳамиятини таҳлил қилишдан олдин, мазкур тушунчани аниқлаштириш лозим. Масалан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига биноан, ҳокимлик структураси ва штатлари - ҳокимлик аппарати, 25-моддасининг тўртинчи қисмида ҳокимлик аппарати дейилган бўлса, Тошкент вилояти ҳокимининг 2001 йил 8 январдаги 10-сонли қарорига 2-илова-

<sup>1</sup> Тошкент вилоят ҳокимлигида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўлланма - Тошкент, 2001 йил. 79-89 бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий архиви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 ноябрдаги «Вилоятлар ҳокимликлари аппарати тўғрисида»ги 461-сонли қарори.

да<sup>1</sup> – Тошкент вилояти ҳоқими ижроия аппарати, шу қарор-га 4-иловада Тошкент вилояти ҳоқими ижроия маҳкамаси деб белгиланган. Ушбу тушунчани ҳоқим ижроия маҳкамаси деб белгилаш турли ихтилофлар, тушунмовчиликларнинг олдини олар эди.

Шунингдек, айнан ҳоқимлар ижроия маҳкамасининг иш самарадорлигини ошириш масаласи ўта муҳим ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 ноябрдаги 461-сонли «Вилоятлар ҳоқимликлари аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан, 2000 йил 1 декабрдан бошлаб вилоят ҳоқимлигининг аппарати тузилмасида ҳоқимнинг индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди ва бир вақтнинг ўзида тегишли равишда индустриал ривожлантириш ва истеъмол бозори масалалари бўйича ҳоқим ўринбосари, қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича ҳоқим ўринбосари лавозимлари қисқартирилди<sup>2</sup>. Масалан, Тошкент вилоят ҳоқим ижроия маҳкамаси ҳоқим, ҳоқимнинг биринчи ўринбосарлари: индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, ҳоқимнинг ўринбосарлари: ижтимоий масалалар, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, умуумқисод масалалари (вилоят иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси бошлиғи), ҳамда ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари, ҳоқимнинг ёрдамчиси, агросаноат, жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, котибиятлар ва уларнинг мудирлари, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари, ижрони назорат қилиш

---

<sup>1</sup> Тошкент вилоят ҳоқимлигида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўлланма. - Тошкент, 2001 йил. 79-80 бетлар

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 ноябрдаги «Вилоятлар ҳоқимликлари аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 461-сонли қарори.



бўйича гуруҳлар ва мазкур гуруҳлар раҳбарлари, канцелярия, ишлар бошқармаси, бош, етакчи мутахассислар, референтлар, иш бошқарувчи, бош ҳисобчи каби 92 кишидан иборат бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли ва «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366 сонли фармонларига мувофиқ ҳамда бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш ва уларни фаолиятининг самарадорлигини ошириш, бошқарув ходимлар сонини мақбуллаштириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 январдаги 1 ва 2-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» ҳамда «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига кўра, вилоят ҳокимлиги ижроия маҳкамасининг ходимлари сони 48 нафарни бошқа вилоятларда ҳудудлар шароити асосида белгиланган 47-50 нафарни ташкил этади. *(Вилоят ҳокимликларининг 2003 йил декабргача янги қарорга қадар ва ҳозирги тузилма жадвали илова қилинади).*

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратынинг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилиши Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасида мустаҳкамланган<sup>1</sup>.

Юқоридаги қайд этилган ўзгаришлар билан бир қаторда, ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мувофиқлаштирувчи Кенгашлар ишини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон, 320-модда.

юзасидан комиссиялар тузишнинг ижобий томонлари мавжуд бўлиб, унинг таркиби маълум соҳага тегишли идоралар раҳбарларидан тузилади. Ушбу комиссия ва мувофиқлаштирувчи Кенгашлар маълум соҳада мавжуд масалаларни амалга оширишда соҳага тегишли идораларнинг бошқарув фаолиятини мувофиқлаштиради, амалга оширилиши керак бўлган тadbирлар режасини ишлаб чиқади. Ҳокимлар ижроия маҳкамаси маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини амалга оширишда ривожланган давлатлар тажрибасини инobatга олган ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

**Учинчи боб «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти, шакл ва услубларини ривожлантириш муаммолари»** деб номланган бўлиб, унда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини демократик меъёрларга монанд такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Мазкур бобнинг биринчи параграфи «**Эркинлаштириш шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ташкил этиш масалалари**» деб номланиб, унда фуқароларни маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш масалалари атрофлича тадқиқ этилган. Зеро, «Ҳар бир инсон ўз манфаатларини давлат бошқарувида амалга ошириши демократиянинг мазмун-моҳиятини ташкил этишини ҳисобга олсак, аҳолининг маҳаллий бошқарувда иштироки демократияни таъминлаш билан бир қаторда, бошқарув самарадорлигини оширувчи омил ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Маҳаллий ҳокимият органларининг жамоатчилик билан муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида мустаҳкамланган, - «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» — деган қоиладан келиб чиқади. Конституциянинг 32-моддаси, - «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар», - деб белгиланганлиги мазкур принципнинг<sup>2</sup> қонуний мустаҳкамланишидир.

Жамоатчиликни маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқишга жалб қилиш конституциявий тамойилдан келиб чиқадиган мажбурий қоида сифатида эмас, балки аҳоли манфаатларини акс эттириш учун восита деб қаралиб.

<sup>1</sup> Васильев И. Местное самоуправление/Учебник. -М., 2000 йил. 10-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: (Уқув қўлланма) -Т.: Шарк. 1996. 11-б

бундан жамоатчилик билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдор бўлишлари лозим. Масалан, кўп давлатларнинг маҳаллий ҳокимият тизимида алоҳида жамоатчилик билан алоқа хизматлари мавжуд бўлиб, мазкур фаолият «Public relations» (PR, Паблик рилейшнз, жамоатчилик билан алоқалар) - деб аталадиган соҳага ажратилган.

Ҳозирги даврга келиб PR - аҳоли билан алоқалар ўрнатиш санъат даражасига кўтарилиб, аҳоли фикрини ўрганиш, унинг ишончини қозонишнинг кўплаб шакл ва усуллари вужудга келди<sup>1</sup>. Демократияни таъминлаш йўлидаги тинимсиз фаолият жамоатчилик билан алоқаларнинг ривожланиш сабабларидан биридир. «Паблик рилейшнз» технологиялари воситасида маҳаллий ҳокимият органлари қабул қилган ёки қабул қилини режалаштириладиган қарорларига аҳоли муносабати ўрганилиб, аҳоли манфаатларига мослаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишади, ўз навбатида аҳолига қабул қилинган ёки қилинадиган қарорни тўғрилигини етказишади. Яъни жамоатчилик билан алоқаларни танкил этиш икки жараёндан иборат бўлиб, уларнинг бири жамоатчиликни маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти, қабул қиладиган қарорлари тўғрисида хабардор қилиш бўлса, иккинчиси, аҳоли фикрини ўрганишдир.

Жамоатчилик билан алоқаларни таъминлаш аҳоли манфаатларини амалга ошириш билан бир қаторда, унинг ҳуқуқий маданиятини ҳам юксалтиради. Чунки жамоатчилик билан алоқаларни шакллантириш жараёнида қабул қилинган ёки қилинадиган қарорлар таҳлил қилиниб аҳолига етказилади. Аҳоли эса ўзига мос қарор қабул қилинишидан манфаатдор бўлиб, юқорида биз таъкидлаган демократик механизмнинг ишлашига хизмат қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи «**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишда қонунийликни таъминлаш**» деб номланиб, унда ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларидан бири бўлган қонунийликни таъминлаш масалалари таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов айтганларидек, «Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳалари

<sup>1</sup> Гафуров К. Public relations – жамоатчилик билан муносабатлар технологияси// Жамият ва болшқарув. 1998. 3-сон. 56-6.

да қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати<sup>1</sup>. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир<sup>2</sup>.

«Конституция ва қонунларнинг устунлиги шунинг билан таъминланади, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, - бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади<sup>3</sup>. Конституция ва Президент курсатмасининг талаби, моҳияти бир хил, яъни қўйи органлар ҳужжатлари Конституция, қонун ва юқори давлат органлари ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Буларни амалда бўлиши учун юқори органлар қўйи органлар фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва қонунсиз ҳужжатларни юқори органлар томонидан бекор қилиш тартиби ўрнатилган. Қўйи маҳаллий вакиллик органларининг амалдаги қонунчиликка зид ҳужжатларини юқори турувчи вакиллик органлари ёки Олий Мажлис, ҳокимларнинг қонунга зид ҳужжатларини эса, юқори турувчи ҳокимлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси бекор қилиш ҳуқуқига эга. Қонуннинг 28-моддасида «ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлари устидан судга шикоят қилиш»ни белгиловчи ва 29-моддадаги «ҳокимнинг прокурор протест билдирган қарорлари қайта кўриб чиқиши мажбурийлиги»ни белгиловчи қоидалар ҳам, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>4</sup> 5-моддасига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари меъёрларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат - меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади. Маҳаллий давлат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура. Том 1. Г. «Ўзбекистон», 1996, 31-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура. Т.1.-Т. Ўзбекистон, 1996 й, 321-322-бетлар.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон келажак буюк давлат. Т.1. Ўзбекистон, 1992 й, 38-39-бетлар

<sup>4</sup> Халқ сузи, 2001 йил 4 январь

ҳокимияти органларида ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда қонунийликни таъминлаш тақдим этилаётган ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, ҳужжатни қабул қилаётган орган ваколатларига киришини, уларнинг шу ҳудуддаги фуқаролар, корхона ва ташкилотлар ҳуқуқ ва манфаатларига зид эмаслигини таъминлаш мураккаб жараёндир. Ушбу сермашаққат ва мураккаб вазифаларни бажариш ҳоким ижроия маҳкамасининг ҳуқуқшуносларидан юқори малака, чуқур билимлар ва тажрибага эга бўлишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилардан кўриниб турибдики, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишда қонунийликни таъминлаш масаласи кўп жиҳатдан юридик хизмат ходимлари малакасига, уни ташкил этиш шаклига, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилишига, уларни мунтазам равишда малакасини ошириб туриш ва бошқа тадбирларга боғлиқ.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи «**Вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий ҳокимият органларини ислоҳ қилиш истиқболлари**» деб номланади. Унда демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, қуйи ҳокимият органларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Миллий мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимидаги ислоҳотлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимиятининг бутунлай янги механизми шаклланди. Давлат бошқарувини эркинлаштириш сиёсатини амалга оширишда демократик давлатларнинг маҳаллий ҳокимият органлари тизимини ўрганиш, уларни миллий хусусиятларимиз нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва талқин қилиш маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришнинг муҳим вазифасидир.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бизнинг бosh стратегия мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ваколатларини амалга оширишда демократик меъёрларни босқичма-босқич жорий қилиш белгиланган талабдир. Зеро, ушбу жара-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт - бировард мақсадимиз. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. 5-б.

ёнининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мужассамлашган<sup>1</sup>. Конституция ва кўпчилик қонунларда туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари вилоят ҳокимлари билан бир хилда берилган бўлса ҳам, бу даражадаги ҳокимлар бошқарув иерархиясининг турли бўғинларида фаолият юритадилар. Туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ҳудудларидаги давлат корхоналари, муассасалар, хўжаликлар, меҳнат жамоалари, маҳалла, овул, қишлоқ, посёлка, шаҳарча фуқаролар йиғинлари билан тўғридан-тўғри мувофиқлаштирув ва бошқарув ҳамда бошқа масалаларга доир муносабатларга киришадилар.

Ғарбий Европа ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат этилса, биздаги туманлар ва шаҳарлар маҳаллий давлат ҳокимиятига эмас, балки ўзини ўзи бошқариш - муниципал бошқарув тизимига киритилган<sup>2</sup>. Тўғри, агар туманга бўйсунувчи шаҳарларда бошқарув ўзини ўзи бошқариш шаклида ташкил этилганда ҳам фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки таъминланарди, ҳам бошқарувнинг самарадорлиги ошар эди. Бизнингча, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий бошқарувнинг юксак шакли сифатида қабул қилинса ҳам, уни ташкил этишда, авваламбор, маҳаллий аҳоли ташаббусига таянилиши керак. Айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга бўлган ташаббуслари, ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига берилган ваколатларнинг самарали амалга оширилиш кафолати ҳисобланади.<sup>3</sup>

Конституциявий тузум асосларидан келиб чиқиб, ҳоким ва унинг ижроия маҳкамаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилиши лозим. Ундан кутилган асосий мақсад маҳаллий, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қилишда кенг жамоатчиликни тебора кўпроқ жалб қилиш ва қабул қилинган қарорлар ижросини самарали ташкил этишдан иборатдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотлари ҳам кучли ва шаклланган маҳаллий ҳокимият органлари тизимининг янада такомилланишини тақозо этади. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳуқуқий ҳолатини янада мустаҳкамлаш парламент ислоҳотларининг узвий давоми бўлади.

<sup>1</sup> **Бараб:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т. «Ўзбекистон», 2003. 40-б.

<sup>2</sup> АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа кўпчилик давлатларида

<sup>3</sup> **Козлов.** Конституцiонное право. Учебник. М. 1996. 210-б.

### III. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамизнинг мустақил ривожланиши мобайнида бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий ва амалий пойдевори барпо этилди, бошқарувнинг янги тизими вужудга келди. Зеро, **“Биз кейинги йилларда республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда унинг бошқарув идоралари мисолида шундай тизимни шакллантира олдик. Янги тарихий жараёнда ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари - ҳокимликлар қайта тикланди”** ҳамда “Уларнинг фаолияти ва ислохотларни қўллаб-қувватлаётган ижтимоий кучлар мавжудлиги туфайли, давлатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик сақланиб турибди. Ҳар биримизнинг хонадонимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов. Бинобарин, давлат бошқарувини такомиллаштириш, амалга оширилаётган ислохотлардан қўтилган мақсадларга эришиш ҳокимлар мавқеини бундан ҳам мустаҳкамлаш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари тизимидаги **ҳокимнинг ҳуқуқий мақомини** такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Президент таъбири билан айтганда **“ҳокимлар - Президентнинг жойлардаги вакиллари**дир. Президент олга сураётган сиёсатни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлига бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш **ҳокимларнинг муқаддас бурчидир**<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамият ва давлат қурилишини эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар маҳаллий ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуналарини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фао-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан сажадагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Ғ.: «Ўзбекистон», 1997. 11-12-бетлар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бундан овоз ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. 206-б.

лияти билан боғлиқ қонунларни ишлаб чиқишда, такомиллаштиришда жаҳондаги илгор тажрибалар, умум эътироф этилган қоидалар ва миллий анъаналар уйғунлигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, **“ҳокимларнинг бурчи — халқ тақдирини ўйлаш, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни ҳал этиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериш. Ҳокимлар одамларнинг ташвишларидан, юмушларидан хабардор бўлиб, ўзаро бирлаштириб, руҳларини кўтариб, зарур шарт-шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, уларни олдимизда турган мақсадлар ижросига сафарбар этишлари лозим”**<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат органлари тизимида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий ҳолатини давлат бошқарувини ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаларидан келиб чиқиб тадқиқ этиш натижасида қуйидаги ҳулосалар келиб чиқади:

- мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва миллий қадриятлар ва демократик принципларга асосланган ҳолда ҳоким институти жорий этилишининг ҳуқуқий ҳолати ҳуқуқшунос олимларимиз ва жаҳон фанининг ушбу йўналишдаги фундаментал назариясини таҳлил қилган ҳолда ўрганилди;

- Ўзбекистонда давлат бошқарувини эркинлаштириш, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ваколатларини амалга оширишнинг шакл ва услубларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий асосларини мустақамлаш бўйича таҳлиллар, таклиф ва тавсияларнинг назарий қойдаси амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этилишининг асоси ишлаб чиқилди;

- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш шароитида уларнинг ваколатларини амалга ошириш механизмини тизимли ва комплекс ўрганиш натижасида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;

- вакиллик ва ижро органларининг мустақиллигини таъминлаш, ижроия маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари бўйича таклифлар ва уларнинг истиқболлари ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб тадқиқ этилди.

Шунингдек, ҳоким фаолиятида Президентимизнинг кўрсатмалари, Конституция ва қонунчилик меъёрларини

<sup>1</sup> Ўша есар, 223-6.



қўллаш ва бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиш жараёни қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суришга имкон берди:

**Биричидан.** давлат қурилишини эркинлаштириш вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ва Кенгаш ваколатларини ажратиш, ҳокимларнинг тегишли ҳудуддаги вазирликлар ва бошқа идораларга бўйсунувчи қорхона, ташкилот, муассасаларни ўз ваколатлари доирасида бошқариш, уларни йўналтиришга доир фаолиятини янада такомиллаштириш маҳаллий ҳаётни яхшилаш, ислоҳотларни янада ривожлантириш ва қонунлар ижросини яхшилашга хизмат қилади.

**Иккинчидан.** бошқарув самардорлигини ошириш, буйруқбозлик тизими шаклланишининг олдини олиш, тегишли ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш учун юқори ва қуйи маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини ажратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, Франция ва бошқа кўпчилик давлатларда маҳаллий ҳокимият органлари маълум масалалар бўйича ихтисослаштирилган бўлиб<sup>1</sup>, тегишли маҳаллий ҳокимият органлари ўз вазифаларини самарали амалга оширишга шароит таъминланади. Ёки маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини режалаштиришда тегишли ҳокимият органларининг вазифалари аниқ белгиланиб, уларнинг амалга ошириш масалалари аниқ ўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Учинчидан.** жойларда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳоким фаолияти устидан депутатлар назоратининг шакл ва усулларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ҳоким ва унинг ижроия маҳкамаси мансабдор шахсларининг депутатлар олдида мунтазам ҳисобот беришларини ташкил этиш кутилган самарани бериши мумкин. Бу борда халқ депутатлари Кенгашларининг тегишли соҳада фаолият юритаётган доимий комиссияси ишини фаоллаштириш, ҳоким ва унинг ижроия маҳкамаси тузилмаларини комиссиялар билан амалий ҳамкорлик қилишлари тартиби тегишли метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланишини тақозо этмоқда.

**Тўртинчидан.** ҳоким ваколатларини самарали амалга ошириш ва соҳаларни комплекс ривожланишини таъминлаш учун маълум гармоқларни бошқариш ёки функцияларни бажариш юзасидан ҳоким бошчилигида комиссия-

<sup>1</sup> Қаранг: Организация административной власти во Франции. Российско-Французская серия №21. 1993. 71-74-бетлар.

лар ҳамда мувофиқлаштирувчи Кенгашлар тизимини тўла маълумда шакллантириб, уларнинг иш тартиби, ваколатлари, мажбуриятлари тегишли комиссия ва Кенгашлар низомида аниқ ишлаб чиқилиши лозим. Ҳокимнинг функционал ва соҳа бошқаруви комиссиялар ва Кенгашлар востасида ташкил этилиши турли органларни долзарб масалаларни ҳал қилишда ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ҳоким томонидан мувофиқлаштириш учун қулай имконият яратилади.

***Бешинчидан,*** Ўзбекистон Республикасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари конституциявий институт бўлиб, уни шакллантириш масалалари, маҳаллий ҳокимият органлари тизимида тугган ўрни, ваколатлари ва уларни амалга ошириш тартиби Конституция ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ мустаҳкамланган. **Лекин, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳокимият органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган турли соҳага оид ваколатларини амалга ошириш механизми такомиллаштиришга муҳтож.** Чунки зикр этилган ваколатлар, деярли тегишли соҳадаги марказий бошқарув органи бошчилигидаги унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

***Олтинчидан,*** вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари лавозимига тайинланишнинг ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-модда иккинчи қисмидаги: ***“Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади»*** - деган қайдани ўзгартириш лозим. Чунки ҳоким вакиллик органига раҳбарлик қилиши учун, албатта, депутат бўлиши шарт эмас. Ҳоким лавозимга тайинланиб, тегишли халқ депутатлари томонидан тасдиқланиши унинг маълум ҳудудий бирликда олий мансабдор шахс сифатида, қонунларда белгиланган ваколатларини амалга оширишда вакиллик ва ижро органларига раҳбарлик қилиш ҳуқуқини беради. Ушбу қайдани «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаш лозим.

***Еттинчидан,*** жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгилловчи камидан учта мезон бор. Булар - халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қили-

ниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир<sup>1</sup>. Ривожланган давлатларда аҳолини қарор қабул қилиш жараёнларидан хабардорлигини таъминловчи, унинг манфаатлари асосида ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этишга доир хулосалар гайёрлаб берувчи алоҳида хизматлар мавжуд. Маҳаллий ҳокимият органлари тизимида мазкур тузилмаларни ташкил этиш Ўзбекистонда демократик ислохотлар сари қўйилган муҳим қадам бўлар эди.

***Саққизинчидан.*** Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги» Қонуннинг 25-модда биринчи қисми ўн биринчи хатбошида ҳокимлар «**Республика ва ҳорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради**»<sup>2</sup>, дея эътироф этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳокимлар глобал ва инсоният тараққийоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда бошқа мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янада жонлантириши, ушбу муаммоларни ҳал қилишда аниқ дастурларни ишлаб чиқиши, бу дастурларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши фойдадан ҳоли эмас.

***Тўққизинчидан.*** ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва марказий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини аста-секин маҳаллий бошқарув органларига бериш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар бошқаруви «**Тармоқ**» тизимидан «**Функционал**» тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитининг барча жабҳаларида ишлаб чиқаришни белгилаши муносабати билан корхоналарнинг фаолиятини бошқариш эмас, уларнинг фаолиятини маълум маънода мувофиқлаштириш лозим. Бу соҳада ривожланган Ғарб давлатлари тажрибасини ўрганиш – замон талабидир.

***Учинчидан.*** Ўзбекистон Республикасида ҳокимнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи, Ўзбекистоннинг тараққийот йўналишини таъминлай оладиган, миллий хусусиятларни ўзида акс этгирган қонунчилик тизими шакллланган бўлса ҳам уларни қўллаш амалиёти бу тизимни янада такомиллашти-

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бунёсида: хавфсизликка таъдил, барқарорлик шартлари ва тараққийот кафолатлари. – Ғ.: Ўзбекистон, 1997. 181-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномасти. 1993. 9 - сон, 320-модда.

ришни талаб қилмоқда. Ҳокимларнинг фаолияти турли меъёрий актлар билан тартибга солингани боис, уларни қўллашда баъзи қийинчиликлар вужудга келмоқда. Мисол учун, континентал ҳуқуқий тизимлар туркумига кирувчи давлатларда кодификациялаш тажрибаси бу борадаги муаммолар ечимини топишга имкон яратади. Жумладан, Франция муниципал кодексларида маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этишдан бошлаб, уларнинг ваколатларини амалга ошириш тартибларигача мустақамлаб қўйилади<sup>1</sup>. Ўзбекистонда ҳам ушбу қонун ҳужжатларини кодификациялаш маҳаллий бошқаруving самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ун биринчидан,** маҳаллий бошқарув самарадорлигини ошириш ижро органлари устидан амалий назорат механизмини ўрнатишга бевосита боғлиқ. Ривожланган давлатлар тажрибасининг таҳлили шуни тасдиқлайдики, жамоатчилик назорати ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу механизмни Ўзбекистонда янада ривожлантириш учун маҳаллий газеталар, радио ва телевиденияларни маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти тўғрисида аҳолини ҳабардор қилишлари ҳамда ҳоким томонидан қабул қилинаётган қарорларда фуқаролар эҳтиёжларини акс эттиришга кўмаклашишлари даркорлигини кўрсатади.

**Ун иккинчидан,** вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятини юритиш, уларнинг иш шакллари ва услублари, ўз ҳудуди доирасида ўзини ўзи бошқаришни ривожланишини изчиллик билан такомиллаштириш ва демократлаштириш мамлакат сиёсий тизимини ҳуқуқий давлатга хос бўлган даражага олиб чиқиш мақсади билан узвий боғлиқдир. Ўйлаймизки, биз киритган таклифлар жамият сиёсий тизимининг чуқур ислоҳи жараёнларида ўз аксини топиб, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳоким институти тобора фуқаролик жамиятининг институтларига айланиб боради.

#### **IV. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва унинг натижалари муаллифнинг қуйидаги чоп этилган илмий-амалий мақола, рисола ва асарларида акс эттирилган:**

1. Муҳим конституциявий институт // Жамият ва бошқарув. 2003. 2-сон. 66-67 б.

---

<sup>1</sup> Мисол учун қараг: Code administrative. Vign-troisicm edition, Edition Dalloz - 1994, 62-6.

2. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари ва жаҳон тажрибаси// Хўжалик ва ҳуқуқ, 2003, 12-сон. 20-23 б.

3. Муҳими моҳият ёхуд давлат бошқарувини такомил-латиришда маъмурий ислоҳотларнинг аҳамияти// Жамият ва бошқарув, 2004, 2-сон. 66-68 б.

4. Маҳаллий ҳокимият органларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёритиш масалалари// Таълим муаммолари, 2003, 4-сон. 130-131 б.

5. Франция маҳаллий бошқарув тизими қандай шаклланган? (тажриба) //Ҳуқуқ-Право-Law, 2004, 1-сон. 7-8 б.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: Муаммо ва ечимлар.

Бухоро давлат университети илмий ахборотлари. 2004, 2-сон. 61-64 б.

**Ҳ. Юридик фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жумаев Йўлдош Гафуровичнинг 12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича «Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий ҳолати» мавзудаги диссертациясининг қисқача мазмуни**

**Таянч сўз ва иборалар:** Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳоким институти, ҳоким, ҳоким ҳуқуқлари, ваколатлари, ижрония маҳкамаси, халқ депутатлари Кенгаши, давлат бошқаруви, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти.

**Тадқиқот объекти:** Юридик адабиётларда етарлича ўрганилмаган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг олий мансабдор шахси — ҳокимларнинг ҳуқуқий ҳолати, улар фаолиятининг ташкилий, илмий-амалий ва назарий асослари.

**Ишнинг максали:** Ҳоким ҳуқуқий мақомининг конституциявий ва қонуний асослари, бозор иқтисодиётига ўтиш ва давлат бошқарувини эркинлаштиришда унинг фаолиятини янада чуқурроқ таҳлил этиш, уларнинг иш тажрибасини ўрганиш, такомиллаштириш, ҳуқуқий механизмларини ёритиб бериш, мазкур тизимни янада такомиллаштириш бўйича муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини топиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот услуби:** қиёсий таҳлил, даврий изчил ик, илмийлик, ҳолислик. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси ва Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига доир Президент Фармонлари ва Фармойишлари, ҳукумат қарорлари, архив ва вақтли матбуот материаллари, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари, диссертациялар, бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Тадқиқот ишида мамалкатимиз маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, яъни ҳоким институтининг илмий таърифи ишлаб чиқилди ҳамда унинг фаолиятидаги асосий белгилари, ҳокимларнинг ҳуқуқий мақоми ўрганилиб, илмий тавсиялар берилди.

**Амалий аҳамияти:** Иш натижаларидан ҳокимлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, ҳокимликлар ва уларнинг ижроия маҳкамаси тузилмалари раҳбарларининг малакасини ошириш курсларида, маҳаллий бошқарувни ўрганишга бағишланган илмий ишларда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси:** Иш натижалари Бухоро вилояти ва бир неча туманлар ҳокимликлари ишини ташкил этишда инobatга олинган. Уларни жорий этиб бориш ҳокимлар олдидаги вазифаларини бажаришни яхшишлашга имкон яратади.

**Қўлланиш соҳаси:** Маҳаллий бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида, «Конституциявий ҳуқуқ» «Маъмурий ҳуқуқ», «Молия ҳуқуқи» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

**диссертационной работы Жумасва Юлдош Гафуровича  
на тему «ПРАВОВОЙ СТАТУС ХОКИМОВ  
ВИЛОЯТОВ, РАЙОНОВ И ГОРОДОВ»**

**на соискание ученой степени кандидата юридических наук  
по специальности 12.00.02 – «Государственное право и  
управление; административное право; финансовое право»**

**Ключевые слова:** органы государственной власти на местах, хоким, хокимият, Кенгаш народных депутатов, государственное управление, правовой статус хокимов, полномочии, демократическое правовое государство, гражданское общество, исполнительный аппарат.

**Объект исследования:** не достаточно изученные в юридической литературе правовой статус, организационные,

научно-практические и теоретические основы деятельности высших должностных лиц местных органов государственной власти — хакимов.

**Цель работы:** Конституционные и законные основы правового статуса хакимов, более глубокий анализ их деятельности при переходе к рыночной экономике и либерализация государственного управления, изучение их опыта, совершенствование, освещение правовых механизмов, изучение проблем по дальнейшему развитию данной системы, нахождение их решений и выработка практических предложений.

**Метод исследования:** сравнительный анализ, научный подход, объективность, формально-юридический и другие методы. Были использованы работы Президента Республики Узбекистан И.Каримова, Конституция и Законы Республики Узбекистан, Указы и Распоряжения Президента о местных органах государственного управления Республики Узбекистан, решения правительства, архив и материалы прессы, научные работы ученых юристов, диссертации и другие нормативные акты.

**Полученные результаты и их новизна:** В процессе исследований разработано научное описание органов государственной власти на местах, т.е. хокимиятов, а также изучены основные характеристики его деятельности и правовой статус.

**Практическая значимость:** Результаты работы могут быть использованы в совершенствовании организационно-правовых основ деятельности хокимов, на курсах повышения квалификации работников структурных подразделений и секретариата хокимиятов, в научных исследованиях связанных с изучением проблем местного государственного управления.

**Степень внедрения и практическая эффективность:** Результаты работы были учтены при организации деятельности хокимиятов Бухарского вилоята и нескольких районов. Дальнейшее их внедрение позволит улучшению выполнения задач, стоящих перед хокимами.

**Область применения:** местное управление, повышение профессиональных навыков работников хокимиятов и совершенствования нормативно-правовых актов регулирующих их деятельность, при обучении таких предметов, как «Конституционное право», «Административное право», «Финансовое право» и т.д.

## SUMMARY

**of the dissertation work of Jumaev Yuldash Gafurovich on the subject: «Legal status of regions, district and city(town) hakims» for a scientific degree – Candidate of the juridical sciences on specialization 12.00.02 - «State right and governing; the administrative law; financial law»**

**The Keywords:** organs of local state authorities, hakim, state government, legal status of hakims, Kengash of People's Deputies, authorities, democratic legal state, civil society, executive body.

**The subject of the research:** Not adequately explored in the juridical literature legal status, organization, scientific-practical and theoretical bases of activity of higher representative person of local state authorities – hakims.

**The Purpose of the work:** The constitutional and lawful bases of a legal status of hakims, deeper analysis of their activity at transition to market economy and liberalization of the government, studying of their experience, perfection, elucidation of legal mechanism, studying of problems on the further development of the given system, their solving and working out practical offers.

**The Method of research:** comparative analysis, scientific approach, objectivity, formally-legal. The works of I. Karimov the President of the Republic of Uzbekistan, Constitution and Legislations of the Republic of Uzbekistan, Decrees and arrangements of President about the organs of local state authorities of the Republic of Uzbekistan, government determinations, archives and materials of the press, scientific works of scientist jurists, dissertations and other standart acts was used.

**Received results and innovations:** In the process of research scientific explanation of organs of local state authorities, haximiyats, is worked out, as well as it's activity key features and legal status are investigated.


**The practical importance:** Results of the work can be used in improvement organizing-legal bases of hakims' activity, on extension course workman of structured subdivisions and hokimiyats secretary, in scientific study bound up with study of the problems of regional government.

**The level of the introduction and practical efficiency:** Results of the work were taken into account at organizing of activity



hakimiyats of Bukhara region and some other regions. Their the most further introduction will allow the improvement of the performing the problems facing the hakims.

**The Application field:** local government, activity of organs of local state authorities, on teaching such subjects as “Constitutional Law”, “Administrative Law”, “Financial Law” and others.

A handwritten signature in black ink, appearing to be 'D. M. S.', with a long horizontal line extending to the right.